

**АХМАД ФАРҒОНИЙ НОМИДАГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ
АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ
Ахборот-библиография бўлими**

**2016 йил 4 чоракда келиб тушган
ЯНГИ НАШРЛАР БЮЛЛЕТЕНИ**

Фарғона – 2016

Фан

1. 72.3(5Ў)
Э99

Эшонбобоев У. Алломалар изидан / У. Эшонбобоев, М. Эшонбобоева. – Фарғона : Фарғона, 2016. - 32 б. 1000 экз.

Ушбу рисолада буюк аллома Бурхониддин Марғилонийнинг ҳаёт йўли, яратган асарлари тўғрисида, шу билан бир қаторда аллома номидаги жамғарма фаолияти, Марғилон заминидан етишиб чиққан фикҳшунос олимлар, эътиборга молик тарихий-меъморий обидалар ҳақида маълумотлар берилган.

Педагогика

2. 74.200(5Ў)
Т88

Турдиева А. Глобаллашув жараёнида ўзбек миллий таълим тизимининг тараққиёти / А. Турдиева. – Фарғона : Фарғона, 2016. - 96 б. 200 экз.

Ушбу қўлланмада ўзбек давлатчилигининг илк кўринишларидан то бугунги давргача бўлган бой манбалар илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу масаланинг давлат бошқарувидан муҳим ўрин тутганлиги алоҳида ёритилган.

Тиббиёт

3. 51.1(5У)
З-31

Замонавий раҳбар қандай бўлиши керак?: меъёрий ҳужжатлар тўплами / Сост. О. Умаров, Сост. Ф. Жўраев. – Фарғона : Фарғона, 2016. - 192 б. 1500 экз.

Ушбу тўплам бюджет томонидан молиялаштирилдиган даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари, уларнинг даволаш ишлари ҳамда иқтисод буйича ўринбосарлари, доимий фаолиятидаги ҳайъат раиси ва аъзолари, моддий рағбарлантириш ва ривожлантириш жамғармаларининг маблағларини тасарруф этиш бўйича махсус комиссия, бош бухгалтерлар, молиявий менежерлар, иқтисодчилар, ходимлар нозирлари ва иш юритувчилар ҳамда бошқа мутахассисларнинг кундалик иш фаолиятларида тўқнаш келадиган муаммоли ҳолатларни ҳал этишда ёрдам беради.

Адабиётшунослик

4. 83.3(50`)
N69

Nishonova N. Buyuk o`zbek ayollari = The Great uzbek women / N. Nishonova. – Toshkent : Fan va texnologiya, 2016. - 24 b. 1000 экз.

Ёш таржимон Нилуфар Нишонованинг ўз олдига қўйган олий мақсади, буюк аждодларимизнинг бой маданий меъроси, жонажон Ватанимизнинг буюк тарихи ва келажаги ҳақида ўз тенгдошларига, шу жумладан, хориждаги тенгдошларига шукроналик руҳиятида таржима ижод намуналари орқали етказиб боришдир. Муаллифнинг мазкур "Буюк ўзбек аёллари" - "The Great uzbek women" номли таржима тўплами унинг илк ижоди намуналаридан биридир.

5. **83.3(5У)7**
С13

Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари / А. Сабирдинов; Ред. Н. Каримов. – Тошкент : Akademnashr, 2016. - 144 б. 1000 экз.

Ижодкорлик, яратувчанлик - халқимизга хос фазилат. Бизнинг буюк аждодларимиз улуғвор тарихимиздан, қадимий адабиётимиз эса сўз санъатимизнинг беқиёслигидан дарак бериб турибди. Мазкур рисолада ўзбек адабиётида назм, наср, адабий танқидчилик ривожига ҳисса қўшган, қўшаётган ижод дарғалари ва вакиллари асарларига назар ташланиб, XX ва XXI аср адабиётининг ўзига хосликлари таҳлил этилган.

Ўзбек адабиёти

6. **84(5Ў)**
360

Зиёев Х. Бахтли бўлай десангиз...: Ибратли хикоялар / Х. Зиёев. – Тошкент : Қомуслар бош таҳририяти, 1995. - 90 б. 50000 экз.

Рисолада олий инсоний фазилатлар: адолатпарвар, ватанпарвар, жасоратли, олижаноб ва сахийлик эгаси бўлиш учун киши қандай йўл тутса маъқул бўлиши, айти пайтда мавжуд салбий сифатлар: ҳасадгўйлик, қўрқоқлик, жоҳиллик ва зиқналик каби иллатларнинг инсон учун нақадар фожияли оқибатларга эга эканлиги ҳаётий хикоялар мисолида кўрсатилади.

7. **84(5Ў)7**
М37

Маҳматова Н. Саёҳатнома : Шеърлар ва саёҳатномалар / Н. Маҳматова. – Фарғона : Фарғона, 2016. - 56 б. 500 экз.

Назира Маҳматова икки тилда қалам тебратиб келаётган ижодкорлардан. Унинг тожик ва ўзбек тилларида чоп этилган бир неча тўпламлари аллақачон ўз муҳлисларини топган. Ушбу тўплам ижодкорнинг хориж ўлкалари, жонажон юртимиз бўйлаб қилган саёҳат таассуротлари, шукроналик руҳидаги фикрларидан ташкил топган.

8. **84(5Ў)7**
М99

Мўмин С. Ҳуррият солномаси : Шеърлар ва достон / С. Мўмин; Ред. Х. Жўраев. – Фарғона : Фарғона, 2016. - 80 б. 500 экз.

Ушбу назмий тўпламга муаллифнинг 1996 йилдан буён мамлакатимизда йилларга бериб келинаётган номлар муносабати билан битилган бағишловлари жамланган.

9. **84(5Ў)7**
О-29

Одилов С. Шоир чорбоғидаги ҳангомалар : Драмалар, ҳангомалар, шеърлар / С. Одилов. – Фарғона : Фарғона, 2016. - 120 б. 1000 экз.

Таникли драматург Сайдали Одилов қаламига мансуб ушбу тўпламда, турли мавзудаги драмалар билан бир қаторда, Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳақимов билан боғлиқ ҳангомалар, ижтимоий мавзудаги шеърлар жамланган.

10. **84(5Ў)**
С52

Сиддиқова Э. Ўзбек иши : Достон / Э. Сиддиқова. – Фарғона : Фарғона, 2016. - 48 б. 1000 экз.

Таниқли ижодкор Энахон Сиддиқова қаламига мансуб ушбу дoston хорлик ва ҳурлик, истибдод ва истиқлол ҳақида.

11. **84(5Ў)7**
Х33

Хатамова М. Кўнгил туғени : Шеърлар / М. Хатамова. – Фарғона : Фарғона, 2016. - 56 б. 1000 экз.

Ушбу тўпламда Ватан, она, муҳаббат мавзуларидаги шеърлар жамланган. Ўзгача руҳ, ўзига хос талқин, такрорланмас ташбеҳларга бой мазкур кўнгил сатрлари барча шеърят мухлисларига манзур бўлади деган умиддамиз.

12. **84(5У)7**
Ҳ71

Ҳошимов О. Кўнгил дафтари : Очерклар, эсдаликлар / О. Ҳошимов. – Фарғона : Фарғона, 2016. - 168 б. 1000 экз.

Мазкур тўплам таниқли ижодкор, фаол тарғиботчи, фахрий журналист Омонжон Ҳошимовнинг юрагидаги сўзлар, қалбида тинчлик бермаётган фикрлар жамланмасидир. Юракдаги, кўнгилдаги гапларни айтиш, айта олиш эса - бемисл бахт. Муаллиф юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган юртдошларимиз фаолиятдан фахрланса, кўзга ташланган мавжуд муаммо ва камчиликлардан кюнади. Юрагида борини, кўнгидаги гапларини баён қилади.

Тарих

13. **63.3(5У)**
З-60

Зиёев Ҳ. Россиянинг Қозон, Астрахан, Сибир, Қрим, Кавказ ва Туркистонга тажовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар: XVI асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари / З. Ҳамид

Т.6 . – Тошкент : Янги аср авлоди, 2012. - 604 б. 100 экз.

Ушбу асарнинг биринчи қисмида Россиянинг Қозон, Астрахан, Сибирь, Қрим, Кавказ, Ўрта Осиё ва Козогистонга қарши ҳарбий юришлари ва ватан ҳимоячиларининг қаҳрамонона жанглари ёритилган. Асарнинг иккинчи қисми чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати ва зулмига қарши миллий - озодлик курашлари ҳақида.

14. **63.3(5Ў)**
З-60

Зиёев Ҳ. Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар : энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача / Ҳ. Зиёев

Т.4 . – Тошкент : Янги аср авлоди, 2014. - 576 б. 100 экз.

Ушбу асар ота-боболаримиз қаерларда бўлмасин, бари бир ўзининг меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, бунёдкорлиги ва тадбиркорлигини намойиш этиб, тили, дин ива турмуш тарзига содиқ қолганликлари ҳақида гувоҳлик беради.

15. **63.3(5Ў)**
З-60

Зиёев Ҳ. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи: XVI асрнинг иккинчи ярми-ХІХ аср / Ҳ. Зиёев

Т.1 . – Toshkent : "Ta`lim" nashriyoti, 2014. - 472 б. 100 экз.

Ушбу асар Ўзбекистоннинг Каспий - Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатларининг урнатилиши ва ривожланишининг жараёни тарихини уз ичига олган.

16. **63.3(5Ў)**
3-60
Зиёев Ҳ. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга ва Урал бўйлари орқали Россия билан иқтисодий алоқаларининг ўрнатилиши ва ривожланиши тарихи / Ҳ. Зиёев
Т.2 . – Тошкент : Янги аср авлоди, 2013. - 500 б. 100 экз.
- Ушбу асарда ёритилган масалалар яхлит бир мавзу сифатида ўрганилмаган. Унда архив материалларидан фойдаланилган.
17. **63.3(5Ў)**
3-60
Зиёев Ҳ. Ўзбекистоннинг Россия билан элчилик ва иқтисодий алоқаларининг ўрнатилиши, ривожланиши тарихи: Қадимги даврлардан то XX аср бошларигача / Ҳ. Зиёев
Т.3 . – Тошкент : Янги аср авлоди, 2012. - 500 б. 100 экз.
- Ушбу китобда Ўзбекистон Россия билан савдо алоқалари тарихи билан танишасиз. Китоб ўша даврни яққол акс эттирувчи жуда кўп маълумотларга эга.
18. **63.3(5Ў)**
3-60
Зиёев Ҳ. Ўзбекистоннинг Сибир орқали Россия билан алоқаларига доир архив ҳужжатлар тўплами: XIX-XX аср бошлари / Ҳ. Зиёев
Т.5 . – Тошкент : Янги аср авлоди, 2013. - 508 б. 100 экз.
- Ушбу тўплам Сибирдаги ватандошларимиз - ўзбекларнинг фаолиятига доир маълумотларни ўз ичига олади.
19. **63.3(5Ў)**
3-60
Зиёев Ҳ. Ўзбекистон биринчи ва иккинчи жаҳон уруши даврида / Ҳ. Зиёев. – Тошкент : Мухаррир, 2011. - 96 б. 1000 экз.
- Ушбу рисолада халқимизнинг биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари даврида армия хизматида, мардикорчиликка олинган фарзандлари, уларнинг жонфидокорликлари, поймол этилган, ҳақ-хуқуқлари ва қадр - кимматлари ҳақида сўз юритилади.
20. **63.3(50`)**
Z60
Ziyoyev H. Asarlar to`plami / H. Ziyoyev
Т.10. Buyuk Amir Temur saltanati va uning taqdiri. – Tashkent : Ma'naviyat, 2008. - 136 b. 3000 экз.
- Ушбу китоб буюк Амир Темур шахси ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги фаолиятини ўрганишга бағишланган. Муаллиф бу борада тарихий манбаларга асосланган ҳолда фикр юритиб, бу мавзунинг янги қирраларини очишга ҳаракат қилган.
21. **63.3(50`)**
Z60
Ziyoyev H. Asarlar to`plami / H. Ziyoyev
Т.11. Ona shahrim Toshkent va hayot yo`limdan lavhalar. – Toshkent : Fan, 2008. - 382 b. 50 экз.
- Ушбу асарда таниқли ва кекса олим Ҳамид Зиёевнинг туғилган ва вояга етган Тошкент шаҳрининг тарихига, унинг узоқ ва машаққатли ҳаёт йўлига бағишланган

қимматли маълумотлари келтирилган. Унда чоризм ва совет давридаги фожиалар ва уларнинг аянчли оқибатларига, Иккинчи жаҳон уриши ва бошқа ҳаётий масалаларга бағишланган саҳифалари қизиқиш билан ўқилади.

22. **63.3(50`)**

Z60

Ziyoyev H. Asarlar to`plami / H. Ziyoyev

T.13. Farzandlaringiz sog`lom, aqlli, chiroyli, tarbiyali va oqibatli bo`lsin desangiz. – Toshkent : Ma'naviyat, 2001. - 285 b. 50 экз.

Ҳамид Зиёевнинг ушбу асарида ота-она муносабати, фарзандларнинг ота-онага бўлган муносабатлари, фарзандлар тарбиясининг аҳамияти эртақлари орқали етказиб берилган.

23. **63.3(50`)**

Z60

Ziyoyev H. Asarlar to`plami / H. Ziyoyev

T.6. O`zbekiston mustamlaka va zulm iskanjasida: XIX asr ikkinchi yarmi - XX asr boshlari. – Toshkent : Sharq, 2006. - 352 b. 50 экз.

Тарих фанлари доктори Ҳ. Зиёевнинг мазкур асари Ўзбекистоннинг Чор Россияси даврида (XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошлари) босиб олиниши ҳамда унинг хомашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланишни кўрсатишга бағишланган. Чуқур илмий тадқиқотлар, архив материаллари асосида ёритилган қатор мавзулар Ўзбекистоннинг ўта қийин турмуш тарзи тўғрисида кенг тасаввур беради.

24. **63.3(50`)**

Z60

Ziyoyev H. Asarlar to`plami / H. Ziyoyev

T.7. O`zbekiston mustaqilligi uchun kurashlarning tarixi: miloddan oldingi asrlardan to 1991 yil 31 avgustgacha. – Toshkent : Sharq, 2001. - 448 b. 50 экз.

Ушбу китоб маҳаллий манбалар, архив ҳужжатлари ва адабиёт маълумотлари асосида ёзилди. Шубҳасиз, салкам уч минг йилларда содир бўлган мустақиллик учун курашлар тарихини бир асар ҳажмида янада чуқур ва атрофлича ёритишнинг имкони йўқ.

25. **63.3(50`)**

Z60

Ziyoyev H. Asarlar to`plami / H. Ziyoyev

T.8. Tarix – o`tmish va kelajak ko`zgesi: tarixning dolzarb masalalari / Ред. К. Normatov. – Toshkent : Ga'fur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2000. - 304 b. 50 экз.

Асар янги маълумотлар асосида ва шу кун талаби нуқтаи назаридан ёзилган бўлиб, Ватаннинг ўтмиш ва ҳозирги замон тарихига доир масалаларни ўз ичига олади. Унда қадимги ва ўрта асрлар тарихи, шу жумладан, Қуръони Карим ва Тошкент ўтмиши бўйича фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган.